

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШДА ИЖТИМОЙ КОНСТРУКТИВИЗМ МЕТОДОЛОГИК СТРАТЕГИЯ СИФАТИДА



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-354-362>

**Оразбаев Арысланбай Комекбаевич**

Қорақалпоқ давлат университетининг мустақил тадқиқотчиси

### АННОТАЦИЯ

*Ушбу мақолада ҳозирги замон ижтимоий реалликдаги жараёнлар ва ҳодисалар, глобал ноаниқлилик шароитида Ўзбекистон ўзининг стратегик мақсади ҳисобланган Янги Ўзбекистон модели, Янги Ўзбекистонни структуралаштирувчи омиллар, ижтимоий реалликнинг илмий билишида янгича концептуал масалалари, Янги Ўзбекистоннинг янги ижтимоий реаллик сифатидаги моҳияти ижтимоий конструктивизм парадигмаси контекстида тадқиқ этилган.*

*Мазкур мақолада ижтимоий реалликни тадқиқ этишининг методологик стратегияси сифатида ижтимоий конструктивизм парадигмасининг мазмун-моҳияти ўрганилган ва Янги Ўзбекистонни барпо этишида методологик стратегия сифатидаги роли асосланган. Шунингдек, мақолада Янги Ўзбекистонни барпо этишида ижтимоий имконият ва ижтимоий воқеалик диалектикаси очиб берилган.*

*Тадқиқот ишимизда қуйидаги натижалар олинди. Янги Ўзбекистонни барпо этишида, яъни ижтимоий конструкциялашда ушбу мезонлар инobatга олиниши зарур: жамиятнинг барча соҳаларида жумладан, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий тизимларида янгиланишлар, атаб айтганда, янгича дунёқараиш, янгича ҳиссиёт, янгича ёндашув, янгича фикрлаш, янгича тафаккур этиши, инсон капитали, фан, таълим ва инновациялар, қадриятларга асосланиши зарурияти сингари натижалар олинган. Ижтимоий имконият сифатида Янги Ўзбекистон ижтимоий воқеаликка айланиши шартли бу пишиб етилишган ижтимоий онг билан ижтимоий борлиқ ўртасида зиддият бўлмаслиги муҳимлиги ҳақида илмий-назарий натижа олинган. Ушбу негизларда Янги Ўзбекистоннинг реал асослари яратилиши ҳақидаги илмий хулосалар олинган ва таклиф, тавсиялар ишлаб чиқилган.*

**Калит сўзлар:** *ижтимоий реаллик, Янги Ўзбекистон, конструктивизм, ижтимоий конструктивизм, парадигма, конструкт, янги жамиятни қуриш, ижтимоий имконият, ижтимоий воқеалик, диалектика, стратегия.*

## АННОТАЦИЯ

*В данной статье рассматриваются процессы и события современной социальной реальности, модель Нового Узбекистана, которая является стратегической целью Узбекистана в условиях глобальной неопределенности, структурные факторы Нового Узбекистана, новые концептуальные вопросы социальной реальности в научном познании, сущность Нового Узбекистана. Узбекистан как новая социальная реальность.*

*В данной статье рассматривается сущность парадигмы социального конструктивизма как методологической стратегии изучения социальной действительности и ее роль как методологической стратегии в построении нового Узбекистана. В статье также раскрывается диалектика социальной возможности и социальной реальности в строительстве нового Узбекистана.*

*В ходе нашего исследования были получены следующие результаты. При строительстве нового Узбекистана, т.е. в общественном строительстве, необходимо учитывать эти критерии: инновации во всех сферах жизни общества, включая социальную, экономическую, политическую, правовую, духовную системы, в частности, новое мировоззрение, новое чувство, новый подход, новый образ мышления, новый образ мышления. результаты, такие как человеческий капитал, наука, образование и инновации, необходимость основываться на ценностях.*

*Научно-теоретический вывод заключается в том, что условием превращения Нового Узбекистана в общественное событие как социальную возможность является отсутствие конфликта между зрелым общественным сознанием и общественным бытием. На этой основе были сделаны научные выводы о создании реальной основы нового Узбекистана, выработаны предложения и рекомендации.*

**Ключевые слова:** социальная реальность, Новый Узбекистан, конструктивизм, социальный конструктивизм, парадигма, конструкт, построение нового общества, социальная возможность, социальная реальность, диалектика, стратегия.

## ABSTRACT

*This article discusses the processes and events of modern social reality, the model of New Uzbekistan, which is the strategic goal of Uzbekistan in the face of global uncertainty, the structural factors of New Uzbekistan, new conceptual issues of social reality in scientific knowledge, the essence of New Uzbekistan. Uzbekistan as a new social reality.*

*This article discusses the essence of the paradigm of social constructivism as a methodological strategy for studying social reality and its role as a methodological strategy in building a new Uzbekistan. The article also reveals the dialectic of social opportunity and social reality in the construction of a new Uzbekistan.*

*In the course of our study, the following results were obtained. During the construction of a new Uzbekistan, i.e. in public construction, these criteria must be taken into account: innovations in all spheres of society, including social, economic, political, legal, spiritual systems, in particular, a new worldview, a new feeling, a new approach, a new way of thinking, a new way of thinking results, such as human capital, science, education and innovation, the need to be based on values.*

*The scientific and theoretical conclusion is that the condition for the transformation of New Uzbekistan into a social event as a social opportunity is the absence of conflict between a mature social consciousness and social being. On this basis, scientific conclusions were drawn on the creation of a real basis for a new Uzbekistan, proposals and recommendations were developed.*

**Keywords:** *social reality, New Uzbekistan, constructivism, social constructivism, paradigm, construct, building a new society, social opportunity, social reality, dialectics, strategy.*

## **КИРИШ**

Ҳозирги Ўзбекистонда бўлаётган ижтимоий жараёнлар, жумладан, Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг назарий-фалсафий жиҳатларини ўрганиш, ушбу янги сифатни шакллантиришнинг назарий модели бўлиб хизмат этади.

Ушбу мақолада Янги Ўзбекистонни янги ижтимоий реаллик сифатидаги мазмун ва моҳиятини, Янги Ўзбекистонни структуралаштирувчи омилларни бир сўз билан айтганда, биринчидан, ижтимоий конструктивизм парадигмасининг методологик стратегия сифатидаги роли асослаиб берилса, иккинчидан, Президентимиз илгари сураётган Янги Ўзбекистонни барпо этиш ғоясини ижтимоий имконият ва ижтимоий воқеалик диалектикасининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари очиб берилган.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР**

Замонавий ижтимоий борликнинг манзараси мураккаблик, хаотиклик, ноаниқлик сингари хусусиятлари билан тус олмоқда. Бундай мураккаб ижтимоий борликни классик парадигманинг фундаменталь стандартлари билан тадқиқ этиш етарли бўлмай қолди.

Ижтимоий реалликни тадқиқ этувчи хилма хил парадигмалар ишлаб чиқилган. Жумладан, натуралистик парадигма, постмодернистик парадигма, психологик парадигма ва ҳ.к. Натуралистик парадигмада ижтимоий реаллик биологик организм сифатида ёки механик машина сифатида ўрганилган бўлса, постмодернистик парадигмада ижтимоий реалликнинг хаотик жиҳатига ўрғу берилиб мутлоқлаштирилган бўлса, психологик парадигмада ижтимоий реаллик ҳодисалари инсоннинг инстинктив хусусиятларига боғлиқ ҳолда тадқиқ этилади.

Ижтимоий реалликни тадқиқ этишнинг классик парадигмаси, ижтимоий реалликнинг фақат мувозанатли, тартибли, барқарор жиҳатларига асосланиб, ижтимоий борлиқнинг мураккаб, номувозанатли, беқарорли жиҳатларига эътибор қаратмайди. Эндиликда, ижтимоий борлиқни юқоридагидек, хусусиятларни тўғри акс эттирадиган янгича парадигмал ёндашувда ўрганишни тақоза этмоқда. Замонавий ижтимоий борлиқ моделларини тушунтиришда замонавий ижтимоий фалсафадаги ижтимоий конструктивизм парадигмаси кенг қўламда қўлланилмоқда.

Мазкур мақоланинг методологияси сифатида биз ижтимоий конструктивизм ва диалектика методларини олиб қараймиз.

Ижтимоий реалликни ўрганишнинг ижтимоий конструктивизм ёндашувининг вакиллари А.Шюц, О.Джиган, П.Бергер, Т.Лукман, Н.Даниеляннинг тадқиқот ишлари мақоламизнинг методологик асослари бўлиб хизмат этади. Шунингдек, диалектика методига асосланиб, Янги Ўзбекистон – янги ижтимоий реаллик сифатида имконият ва воқеалик диалектикаси таҳлил этилади.

## **НАТИЖАЛАР**

Мазкур парадигмада ижтимоий воқеалиқнинг ҳодисалари конструкт сифатида олиб қаралади. Масалан, конструктивизм парадигмаси нуқтаи назардан глобаллашув бу глобал лойиҳа сифатида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий конструктлар ҳисобланади.

Масалан тарих, социология, психология, фалсафа ва барча ижтимоий гуманитар фанлар оламнинг ижтимоий манзарасининг конструкти бўлади. Тарих ўтмишнинг конструкти, социология жамиятнинг идеал конструкти, фалсафа жамиятнинг умумий қонунларини ўрганиш орқали намоён бўлади.

Конструктивизм парадигмаси дастурининг энг асосий ядроси бу инсоннинг фаоллиги билан боғлиқ бўлиб, атроф олами фақатгина акс

этирмасдан шу билан бирга, олами конструкциялашнинг фаол иштирокчиси, ижтимоий реалликнинг конструкти сифатида олиб қаралади. Жумладан, ижтимоий билишда ижтимоий реаллик ҳақидаги билимларимиз реалликнинг муайян шакли сифатида муайян образ ёки модел орқали инсон томонидан конструкцияланади. Шу сабабдан ҳам оламнинг ижтимоий манзарасининг субъектив характери ҳақида гапирамиз. «Оламнинг ижтимоий манзараси бир нечта ижтимоий субъектларнинг ижод маҳсулоти ҳисобланиб, уларнинг ҳар бири жамиятнинг у ёки бу томонини конструкциялашда ўз хиссасини қўшади»[1,25]. Яъни субъектларнинг бир-бири билан конструкциялаш жараёнида шаклланади.

Конструктивизм атамаси фан, маданият ва санъатнинг турли соҳаларида қўлланилади, уни омоним деб ҳисоблаш мумкин, бунинг ортида сўзларнинг умуман бошқача ишлатилиши бор. Шунга қарамай, фалсафа, психология, социология, математика, архитектура, шеърят ва расмда бу атамани ишлатишда метафорик алоқалар ва ёзишмалар даражасида умумий нарса бор деб тахмин қилиш мумкин.

Бу идеал (математика ёки фалсафада бўлгани каби) ёки моддий (архитектурада бўлгани каби) конструкцияларнинг яратувчисининг умумий конструкцияси бўлиб, улар фаолиятдаги функционал зарур вазифалардан келиб чиқади. Масалан, Ле Корбузе тушунчасига кўра, уйлар – архитектурада уй-жой қурилиши учун машиналар, ёки конструктив (когнитив стандарт) – бу дунёнинг, ўзини, бошқа одамларнинг шахсий конструкциялари психологик назариясидаги моделини яратишнинг функционал элементи.

Ижтимоий конструкционизмнинг мақсади – шахслар ва одамлар гуруҳлари ўзлари сезган ижтимоий воқеаликни яратишда иштирок этиш усулларини аниқлаш. Ижтимоий воқеаликнинг конструктив таҳлили ижтимоий конструкционизм одамлар томонидан ижтимоий ҳодисаларнинг шаклланиш жараёнларини ўрганади. Анъаналар ижтимоий ҳодисаларни институционализация қилиш маҳсулотларидан биридир. Тузилган ижтимоий воқеалик – доимий, динамик жараён; ҳақиқатни одамлар ўзлари томонидан талқин қилиш ва у ҳақидаги билимларни шакллантириш жараёнида қайта ишлаб чиқарадилар.

Ҳозирги мураккаблашган ижтимоий реалликни тадқиқ этишда ижтимоий конструктивизм парадигмаси классик парадигмага нисбатан адекватлироқ методологик стратегия ҳисобланади. Ушбу ўринда айтиш керак-ки, мазкур парадигмада инсоннинг фаоллиги, яратувчанлиги, ижодкорлиги,

курувчанглиги сингари хусусиятлари намоён бўлади. Аммо, бу хусусиятлар юксак гуманизмга, кадриятларга асосланмас экан, бу салбий маънодаги конструкцияларни юзага келтиради. Шу сабабдан ҳам, ҳар қандай ижтимоий конструкт гуманизм призмасидан ўтказилишини талаб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишда, яъни ижтимоий конструкциялашда кўйидаги мезонлар инобатга олиниши зарур: жамиятнинг барча соҳаларида жумладан, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий тизимларида янгиланишлар, атаб айтганда, янгича дунёқараш, янгича ҳиссиёт, янгича ёндашув, янгича фикрлаш, янгича тафаккур этишни тақоза этади. Бундай янги сифатни қуришда инсон капитали, фан, таълим ва инновациялар, кадриятлар муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий имкониятнинг ижтимоий воқеаликка ўтиши учун шарт-шараятлар яратилиб, объектив ва субъектив омиллар пишиб етилиши зарур ва улар диалектик алоқадорликда бўлишини тақоза этади.

Ижтимоий реаллик ва ижтимоий борлиқ синоним тушунчалардир. Ижтимоий имконият сифатида Янги Ўзбекистон ижтимоий воқеаликка айланиши шarti бу пишиб етилишган ижтимоий онг билан ижтимоий борлиқ ўртасида зиддият бўлмаслиги муҳим аҳамиятга эга. Бунда ижтимоий борлиқ сифатида биринчи ўринда ишлаб чиқариш усули тушунилади. У жамият ҳаётининг моддий шараятларини ва одамларнинг табиатга бўлган моддий муносабатларини англатади.

Ижтимоий онг деб ижтимоий борлиқни акс эттирадиган ҳис-туйғуларнинг, қарашларнинг, ғояларнинг ва назарияларнинг мураккаб тизимига айтилади.

Бугунги кунда амалга оширилаётган барча ислохотлар ижтимоий борлиғимизнинг ажралмас қисмига айланса, ижтимоий онгимиз ижтимоий борлиғимизни тўғри инъикос эттирса, Янги Ўзбекистоннинг барпо этилишига асос бўлади. Бунда айниқса янги ижтимоий реалликни ижтимоий воқеаликка айлантириш учун яратилган ижтимоий имкониятлардан самарали фойдаланиш орқали инсон капиталини ривожлантириш, барча фаолиятларимизнинг юксак маънавиятга асосланиши, сўз ва ишнинг бирлиги намоён бўлсагина, Янги Ўзбекистоннинг реал асослари яратилади.

## **МУҲОКАМА**

Ижтимоий конструктивизм парадигмасида ижтимоий олам инсон субъективлигининг маҳсулоти сифатида олиб қарайди. Инсонлар ўзларининг

кундаликли ҳаракатлари орқали оламни аниқлайди, интерпретация қилади ва унга маъно беради. Буни А.Шюц қўйидагича ифодалайди: «Олам ҳақидаги бизнинг барча билимларимиз жумладан ҳам кундаликли ҳам илмий билимларимиз конструкциялар ҳисобланиб, яъни идеализация, абстракция йиғиндисидир»[2,530].

Конструктивизм парадигмасининг назарий асослари И.Кант фалсафасига бориб тақалади. Бунга кўра, билиш субъектининг фаоллиги ва билишнинг ақл конструкцияси сифатида тушунилиши билан боғлиқ. Билишнинг классик парадигмаси бўйича объект субъектни аниқлайдиган детерминанти ҳисобланган бўлса, ноклассик парадигмада аксинча, улар бир-бирини аниқлайдиган бир-бирига боғлиқ яхлит тизим сифатида олиб қаралди. Масалан, И.Кант билиш жараёнида субъектнинг фаоллигини маъқуллайди.

Конструктивизм атамаси (гарчи унинг мазмуни И.Кантга тегишли бўлса ҳам) йигирманчи асрнинг 70-йиллари охирида гуманитар фанлардаги назарий ва услубий муносабатларни билдириш учун фаол ишлатила бошлаган, ижтимоий қадриятлар ва когнитив мотивларнинг қурилишдаги ролини таъкидлаган.

П.Бергер, Т.Лукманнинг тадқиқот ишларида ижтимоий реалликнинг классик парадигмасининг бир томонламалигини кўрсатиб бердилар. Яъни классик парадигмада ижтимоий механизмлар ва субъектив омиллар инобатга олинмади. Классик парадигма оламнинг монистик моделидан келиб чиқиб, унинг хилма-хиллик жиҳатига эътибор қаратмайди. Энг асосийси, мазкур парадигмада таъсир этувчи субъектга, унинг ўзининг ижтимоий реалликни конструкциялаш қобилияти очиб кўрсатиб берилмади. Яъни субъектнинг ижтимоийлашув жараёнига жамият ва унинг институционал структураларининг таъсирини ўрганади. Аммо субъектнинг уларга таъсир этишига эътибор қаратмади.

Ушбу маънода П.Бергер, Т.Лукманнинг назарий методологик ёндашуви ушбу бўшлиқни тўлдиришга хизмат этади. Улар А.Шюц ва К.Маннгеймнинг ижтимоий олами индивиднинг тасаввурлари ва унинг мотивлари, айниқса, кундаликли билимлари билан мос келишига боғлиқ фикрларидан келиб чиқиб, П.Бергер ва Т.Лукман, “билим социологияси реалликни ижтимоий конструкциялашнинг таҳлили билан иш кўради”, - деб таъкидлайдилар[3,13].

П.Бергер ва Т.Лукман ижтимоий реалликни социал конструктор сифатида олиб қараб, реалликни конструкциялашнинг асосий 4 та механизмини ишлаб чиқди: 1.Хабитуализация, 2.Типизация, 3.Институционализация,

4. Легитимизация. Уларнинг фикрича, ижтимоий реалликни конструкциялашнинг 3 та диалектик моментини беради, яъни “жамият – инсон маҳсули. Жамият – объектив реаллик. Инсон – ижтимоий маҳсулот”. «Илмий рационалликнинг ўзгариши аста-секин субъектнинг конструкциялаштирувчи роли биринчи планга кўтарилди»[4,266]. Бундай ёндашув инсон ва жамиятни тадқиқ этишда ижтимоий конструктивизм номини олди. Билиш жараёнида инсоннинг ишлаб чиққан билимлари ижтимоий реаллик манзарасини таркибий қисми ҳисобланади. Тил, белги ва символлар ёрдамида у кишилар учун оламнинг манзарасининг конструкти ҳисобланади. Объективлаштириш усули ёрдамида оламнинг ижтимоий манзараси индивидларнинг онгида акс эттирилиб, унинг дунё қарашига айланади. «Оламнинг ижтимоий манзараси инсонлар томонидан қурилиб, уларнинг ҳаётини аниқловчи ва хулқ-атвор моделларини берувчи идеал конструкт ҳисобланади»[5,26]. Демак, Янги Ўзбекистон янги ижтимоий конструкт сифатида эътироф этадиган бўлсак, ушбу жараёнларда замонавийлик ва анъанавийликнинг синтези, миллий ва умуминсоний қадриятлар бирлиги, юксак маънавиятга асосланиш зарурияти муҳим аҳамият касб этади.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда имконият ва воқеалик диалектикаси ҳақида сўз юритилганда қуйидагиларни эътироф этиш мумкин.

Янги Ўзбекистон бу янги ижтимоий имконият сифатида мавжуд. Мазкур ижтимоий имкониятнинг ижтимоий воқеаликка айланиши учун биринчидан, жамиятимиз яратилган имкониятларни тўғри баҳолай билиши керак, иккинчидан, имкониятнинг воқеаликка айланиши учун мамлакатимизда шарт-шараятларга замин яратилди.

Бунинг ёрқин мисоли сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022-йили 28-январь ПФ-60-сонли “Ҳаракатлар стратегиясидан - Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган қуйидаги етита устувор йўналишдан иборат 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида фармони қабул қилинди. Мазкур тараққиёт стратегияси етита йўналишдан ташкил топган: 1. Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш; 2. Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш; 3. Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш; 4. Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш; 5. Маънавий



тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш; 6. Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш; 7. Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб боришдан иборат.

Мазкур йўналишларда жамиятимиз ривожланишининг барча жабҳалари тизимли равишда қамраб олинган 100 та мақсад билан белгилаб берилди. Агар ушбу мақсадлар воқеаликка айлансагина, биз олдимизга қўйган Янги Ўзбекистон ижтимоий воқеалигини амалга оширган бўламиз.

Ижтимоий имкониятнинг ижтимоий воқеаликка ўтиши учун шарт-шараятлар яратилиб, объектив ва субъектив омиллар пишиб етилиши зарур ва улар диалектик алоқадорликда бўлишини тақоза этади.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Янги Ўзбекистон – янги ижтимоий конструкт сифатида «одам – жамият – давлат» ушбу моделга асосланиши лозим. Бунга қўшимча мазкур ижтимоий конструктда салоҳиятли кадрлар, инсон капитали, давлат ва жамиятнинг мақсадларининг уйғунлиги, адолат, сўз ва ишнинг бирлиги, маънавий салоҳият, юксак бағрикенглик, ижодкорлик, креативлик, бунёдкорлик сингари кадриятлар билан «тўқилсагина» Янги Ўзбекистоннинг реал асослари яратилади. Бир сўз билан айтганда, ижтимоий имкониятнинг ижтимоий воқеаликка айланиши намоён бўлади.

## REFERENCES

1. Джиган О.В. Картина мира как социальный конструкт. Вестник МГОУ. Серия. Философские науки. 2016 /№4. –С.25.
2. Шюц А. Формирование понятия и теории в общественных науках. // Американская социологическая мысль. - М., 1996. –С.530.
3. Бергер П., Лукман Т. Социальное конструирование реальности. Трактат по социологии знания. – М.: Изд-во «Медум», 1995. С. 13.
4. Даниелян Н.В. Конструктивистский и научно-рациональный подходы в естественных науках: монография. М.: Издательство МГОУ, 2011. 266 с.
5. Джиган О.В. Картина мира как социальный конструкт. Вестник МГОУ. Серия. Философские науки. 2016 /№4 –С.26